

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1149-ҳадис

1149- وَعَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «اَجْعَلُوا مِنْ صَلَاتِكُمْ فِي بُيُوتِكُمْ، وَلَا تَسْخِذُوهَا قَبْوِرًا». مُتَّفَقُ عَلَيْهِ [خ 432، م 777].

1149. Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Намозларингизни уйларингизда ҳам ўқиб туринглар, уларни қабристон қилиб олманглар», дедилар».

Муттафакун алайҳ.

Шарҳ: Демак, намоз ўқилмаган жой қабристон билан баробар экан. Намоз билан ҳар бир уй қабристонликдан чиқади. Мълумки, Ислом уммати учун ер юзининг ҳаммаси масжид қилиб қўйилган. Фақат баъзи жойлар намоз ўқиш шартларига кўра бундан мустасно, улар нажосат ва бошқа сабаблар туфайлигина хосиятсиз ҳисобланади. Ўшандоқ жойлардан бири қабрdir.

Ушбу ҳадисда зикр қилинаётган намозни эркак кишилар учун нафл намози деб тушунмоқ керак. Чунки эркак киши фарз намозларни жамоат билан масжидда ўқиши лозим.

Манба: hadis.islom.uz



